

«Санкт-Петербург» масжиди



15:00 / 07.04.2021 2589

«Санкт-Петербург» масжидининг дизайни «Шоҳ мақбараси» деб таржима қилинган «Гўри-Амир» деб номланган Самарқанддаги Темурийлар мақбараси асосида яратилган. Ушбу қурилиш кўплаб дизайнерларга, шу жумладан, Санкт-Петербург масжидини лойиҳалаштирган Николай Василевга таъсир кўрсатган муҳим архитектура асаридир.

«Санкт-Петербург» масжидининг энг ўзига хос хусусиятларидан бири бу гумбаз ва минораларни бежаб турган ёрқин мовий керамик плиталардир. Шунингдек, масжиднинг кириш эшигининг тепа қисмида геометрия ва хаттотлик ёрдамида Қуръон оятлари ёзилган.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи